

2018

FEATURES OF GENESIS OF VERSE

Gulxumor To‘ychiyeva
International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

To‘ychiyeva, Gulxumor (2018) "FEATURES OF GENESIS OF VERSE," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 15.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ШЕЪР ГЕНЕЗИСИГА ОИД ХУСУСИЯТЛАР**ОСОБЕННОСТИ ГЕНЕЗИСА СТИХА****FEATURES OF GENESIS OF VERSE**

Калит сўзлар: шеър, эволюция, шеър тизимлари, ритм, ашула, ўйин.

Ключевые слова: стих, эволюция, системы стиха, ритм, песня, танец.

Key words: verse, evolution, verse system, rhythm, song, dance.

Шеършуносларнинг диққатини тортадиган муҳим масалалардан бири шеърнинг қачон ва қандай пайдо бўлганлигидир. Бу масала кўпчилик тадқиқотчилар томонидан маълум даражада асосли таърифлаб берилган. Бироқ бутунги кун талаби мазкур масалага муқобиллик асосидаги қарашларни шакллантиришдир. Энг қадимги даврларда рақс, мусиқа ва шеърят яхлитликда, демакки биргаликда мавжуд бўлган. Улар бир-бирларидан ажралмас бўлиб, яхлитлик ва ягоналик касб этган. Айтиш мумкинки, шеър, мусиқа ва рақс эгизаклардир. Шеър мусикадан ритмни, тилдан сўзни олиб, меҳнат жараёнида шаклланган. Уларнинг келиб чиқиш асоси меҳнат ёки ритмик ҳаракат қилиш жараёнидир. Ибтидоий одамнинг бир маромдаги ҳаракати, масалан, иш қуролининг бирор нарсага бот-бот урилиши орқали ритм пайдо бўлган. Ана шу оддий ритм кейинроқ бирор-бир мақсадда махсус қайта яратилади. [7: 8] Ибтидоий одамнинг қувончли онларини акс эттириш учун алоҳида ритм, ғамгин дамлари учун алоҳида ритм, ҳаяжонли ёки даҳшатли дамлар учун алоҳида ритмлар қайта яратилган ва ана шу жараён қадимги давр одамнинг ҳис-туйғуларини ифода қилиш учун хизмат қилган. Ритмнинг юзага келишида инсон онги, нутқининг эмотив ва экспрессив хос хусусиятлари муҳим аҳамият касб этган [1]. Ритм ҳаётда, инсоннинг чор атрофида, табиатда табиий равишда мавжуд ҳодиса бўлган ва кейинчалик у инсонлар томонидан сезилган, анланган, унинг мавжудлиги тан олинган, сўнгра ана шу анланган ритмни қайта яратиш учун ҳаракатлар бошланган [8: 9].

Ритмнинг анланиши ва маълум мақсадда қайта яратилиши мусиқа асбобларининг ясаилиши учун асос бўлган. Шундай қилиб, инсон руҳиятидаги ритмни акс эттириш учун примитив мусиқа асбоблари яратилган. Бундай энг примитив, аммо бутунга қадар ишлатилаётган мусиқа асбоблари-

дан бири доира (ноғора, чилдирма, бубен, барабан, тамбурин, литавра, трещетка, тамбур, бутара в.б.)дир [2; 4; 5]. Кейинчалик доира ритмлари инсон ҳаёти ва ов жараёнларига боғлиқ рақслар билан бойитилган. Рақсга тушиш жараёнида уни ижро этаётган одамларнинг турли ҳайқириқлари мусиқий асбобларнинг овозлари билан қўшилиб кетган. Шунда, нутқ товушлари орқали ритмни бериш мумкинлиги анланган. Ритм нутқ товушларига кўчган. Шундай ҳайқириқлар ритмни овоз, яъни нутқ товуши орқали қайта яратиш мумкинлигига ўргатган [6: 178].

Овозли ритмлар кейинроқ ҳайқириқлар асосига таянган ашуланинг келиб чиқишини таъминлаган. Шу тариқа, ашула матни мазмун билан бойитилган. Ибтидоий рақс меҳнат жараёнларини акс эттирган, аммо ибтидоий кишиларнинг қўшиқларида оҳанг ва ритм кўпроқ аҳамиятлироқ бўлиб, маънога эътибор кам бўлган [17: 18].

Ритм шеърятнинг ибтидоий асосини ташкил қилади, у поэзиядан олдин пайдо бўлган ҳамда поэзия билан мусиқанинг вазндорлигига асос бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик шеър ашула таркибидан батамом ажралиб чиққан ҳамда мустақил санъат турига айланган. Антик даврларда шеър куйга солиб ижро этилган. Кўпчилик шарқ давлатларида, масалан, Эрон, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистонда ҳозирги кунга қадар шеърнинг ўқиб ижро этилмаслиги, яъни декламация қилинмаслиги, шеър, масалан, ғазалнинг асосан куйлаб, ашулага солиб ижро этилиши бунинг ёрқин далилидир [19]. Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авзон” [7: 42-98] рисолида туюқнинг куйланганлиги ҳақида ёзади. Бобур эса мўғул хонлари ва турк султонларининг саройдаги базмларида қадаҳ кўтариш чоғида туюқ куйлаш одати мавжуд бўлганлигидан хабар беради. [20: 25-49] Бу каби мисоллар ўрта асрларда шеър ҳар доим ҳам ўқилмаганлиги, баъзи ҳолларда қўшиқ қилиб куйланганлигини исбот этади.

Маълумки, ибтидоий санъат ва мусиқа милодгача бўлган 30 минг йилликка яқин даврда, аввал мусиқа билан алоқадор санъат турлари бўлган рақс, поэзия ва ашуланинг синкретизми (ягоналиги) тарзида тош асрининг сўнгги палеолит даврида келиб чиққан. Ритм аввал меҳнат жараёнида туғилган, сўнг ибтидоий санъатга, хусусан, мусиқага ўтган. Мусиқадаги ритмнинг сўзлар билан бойитилиши шеърятнинг келиб чиқиши учун асос бўлган. Ёзув келиб чиққунига қадар юқорида қайд қилинган санъат турлари бир-бирига қўшилган ҳолда, яъни синкретик тарзда мавжуд бўлган. Ёзув келиб чиққанидан сўнг ашула матнларини ёзувда акс эттириш имконияти туғилган, бу эса махсус ёзилган шеърый

матнларни ёзувда ифода этиш учун шароит яратган. Поэзия санъат тури сифатида мустақил шаклланиб бошлаган. Аммо поэзия шаклланиш босқичида жуда узоқ вақт халқ оғзаки ижоди таркибида авлоддан авлодга ўтиш жараёнини кечирган.

Демак, шеършунослик адабиётшуносликнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлиб, унинг ўз тадқиқ объекти, предмети ва методологияси мавжуд. Шеършунослик шеър тузилишининг умумий назарий қонун ва қоидаларини ўрганувчи фандир. Шеър эса шеърый нутқнинг ўзига хос тарзда ифодаланиши бўлиб, у инсонларнинг ўзаро мулоқоти учун хизмат қилади. Шеър мавзун (вазнга солинган) нутқдир. Метрика, фоника, ритмика, строфика ва қофия шеършуносликнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Дунё адабиёти тарихида квантитатив, квалитатив ва силлабик шеър тузилишлари фарқ қилинади. Шеърнинг келиб чиқиши ибтидоий даврларга бориб тақалиб, шеър меҳнат жараёнида, рақс, мусиқа ва ашула таркибида синкретик тарзда шаклланган.

Шеър тизимини, яъни шеърнинг мазмун ва шакл яхлитлиги асосидаги ўзига хос тузилишини шакллантирувчи омилларни, қонуниятларини тўла ҳолда узил-кесил белгилаш, шеър эволюциясида унинг генезисини очиқ-ойдин кўрсатиб бериш ўз ечимига кўра анча мураккаб, аниқ жавоби мавжуд бўлмаган масаладир. Масалан, туркий шеър метрикаси борасида уни силлабик, силлабо-тоник, тоник, тоник-темпорал, квантитатив, сўзбандли, аллитерацион, миқдор-урғу, бўғин-урғу ва қоришиқ шеър тизими эканлиги борасида турли тадқиқотлар олиб борилган.

Хатиб Усмонов хулосасига кўра [14: 2-4], татар поэзиясида асосий икки турдаги шеър ритмик қурилиши кенг тарқалган. Улардан бири – халқ оғзаки ижодидаги силлабик шеър ҳамда иккинчиси – ёзма адабиётда қўлланилган шеър тизимидир. Х.Усмонов татар шеърини рус, аниқроғи, Европада урф бўлган истилоҳлар орқали номлашга уринади. Шу сабаб, олим кейинчалик қаттиқ танқидга учрайди. Бурят шеър тизимини ўрганган А.М.Хамшагалов [15: 25-39] ва В.И.Золхоев [6: 178] фикрига кўра, бурят поэзиясининг шеър тизими “сўзбандли”дир. К.Рисалиев [12: 33-46] фикрига кўра, икки бандли шеър ритмик қурилиши ҳар қандай шеър тизими учун энг примитив, яъни оддий ва зарурий бўлган қуриладир. А.Тилавалди [13: 58-65] ёзма шеърнинг бир қатор тараққиёт босқичларини белгилаб беради. Улар: аллитерацион шеър, метрик ташкиллаштирилган шеър, араб поэзияси квантитативлиги такрори, силлабика асосида ташкиллаштирилган

Шеърнинг келиб чиқишида ва сўз санъатининг мустақил хос воқелигига айланишида умумий ҳолатлар билан бирга миллий шеър тизимлари шаклланишига оид хусусиятлар ҳам ўзини намоён қилади. Мақола шеърнинг келиб чиқиши ва шеър шаклига оид назарияларнинг юзага келишида умумбашарий жараёнларни ўрганади.

Вопрос о возникновении стиха, как явления художественной литературы, решался как в русле общемировой тенденции, так и в русле формирования национальных литератур. Статья рассматривает некоторые общемировые тенденции развития стихотворных систем и стиховедческих теорий.

The question of the emergence of verse, as a phenomenon of fiction, was resolved both in line with the global trend and in terms of forcing national literatures. The article considers some global trends in the development of poetic systems and verse theories.

шеър, замонавий модернизациялашган шеър. Олим туркий шеър қурилмасининг гетероморфлиги борасида сўзлайди, яъни туркий шеърый нутқга доир алоҳида ва турли структурали компонентлар ўртасидаги чуқур боғлиқлик мавжудлигини уқтиради. З.Ахметов шеърда барча хусусиятлар бошида ритм туриши борасидаги фикрни олға суради. Академикнинг илғор фикрларидан бири бу – миллий тилдан ташқарида миллий шеър тизимларининг бўла олмаслигидир. Чунки поэзия, яъни шеърый санъат ва адабиёт турларининг энг миллий шаклидир. З.Ахметов бир миллий шеър тизимини иккинчи миллий шеър тизимига қарама-қарши қўйиб, уларнинг иккаласини яратишга қарши чиққанида тамомила ҳақ эди [11: 1239-1242].

Ҳозирги замон шеършунослиги нуқтаи назардан шакл таҳлили унсурларига: шеърнинг товуш тизимини ўрганиш (звуковая организация стиха), банд масаласи (строфика), вазн (метрика), қофия (рифма), ритмика, шеър композицияси ва шеърый шакл мутаносиблиги масаласи, шеърда интонация, пауза, мусиқийликни вужудга келтирувчи омиллар, шеър архитектураси, шеърдаги аллитерация, параллелизмлар ҳодисаси, бадий унсурлар в.б. киритилади.

Мазмун таҳлиliga: асар ғояси, шоирнинг ижодий методи, сюжет ва композиция, образлар ва бадийлик, шеър структураси ва мазмун боғлиқлиги, шоир маҳорати, асар поэтикаси (мазмун ва шакл мутаносиблиги нуқтаи назардан), образлар тизими, шеър мотивлари киритилади.

Шеърый асарнинг мазмун таҳлилидан мақсад: ижод, ижодкор ва ҳаёт моҳиятини белгилаш; асардаги воқелик таҳлили ва баҳосини кўра билиш; ижодкор тафаккурини тарихий ривож оқида таҳ-

лил этиш; бу воқелик таҳлили ва бадий тафаккурининг бугун ва келажак учун аҳамиятли томонларини аниқлашдан иборатдир.

Шеъринг асарининг шакл таҳлилидан мақсад: ижодкорнинг ижод механизмларини таҳлил этиш; ижодкор маҳсулининг ички қурилмасини аниқлаш; ижодкор ва адабий-назарий нормалар муносабатини белгилаш; ижодкор маҳорати негизларини аниқлаш; шеъринг асардаги мазмун ва шакл мутаносиблигини белгилаш; шеър унсурларининг ўзаро амал қилиш қонуниятларини белгилашдан иборатдир.

Шеър тузилиши бадий адабиёт каби ўз тараққиёти даврида ўзига хос эволюцион жараёнларни бошидан кечирган бўлиб, улар ичида 1) ибтидоий шаклланиш босқичи, 2) синкретизм даври, 3) алоҳида санъат тури сифатидаги мустақил ажралиш даври, 4) кенг қўлланилиш натижасидаги тўла шаклланиш даври, 5) шеър тузилиши назариясининг келиб чиқиши, ва ниҳоят, 6) шеър тузилишининг замонавий ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш босқичларига бўлинади.

1) *Ибтидоий шаклланиш босқичи* – ибтидоий даврга мансуб ҳолат бўлиб, санъат ривожининг илк ибтидоий шаклланиш босқичларини ўзида мужассам этади. Бу ибтидоий одам нутқининг пайдо бўлиши ҳамда ана шу нутқ таркибида ҳис-ҳаяжонли ҳайқириқларнинг турли эҳтиросларни ифода этиш учун ишлатила бошланиши, ҳайқириқлар таркибида ҳужум, ҳимоя, қувонч, бахт, таҳдид, ғалаба каби ўнлаб тушунчаларнинг шаклланиши ва адекват тарзда ифодаланиши билан боғлиқ бўлган даврдир. Инсон ҳис-туйғулари билан унинг нутқи орасидаги алоқадорликка қаратилган бу ривожланиш даври инсонни туйғулар ифодаси учун сўздан фойдаланишга, сўз семантикасининг шаклланиши ва чегараланишига олиб келган.

2) *Синкретизм даври* – санъатнинг илк ибтидоий турлари бўлган мусиқа, рақс ва шеърнинг ягона ва яхлит шаклда қоришган даври бўлиб, бу даврда қўшиқ таркибида айтиш учун махсус яратилган тартибли сўзлар мажмуалари вужудга кела бошлайди. Ибтидоий қўшиқлар ва мазкур қўшиқлар учун мўлжалланган матнлар тематик, яъни мавзулар доираси жиҳатидан шаклланади. Ритуал рақслар таркибидаги ҳайқириқлар, маросим қўшиқлари, давра речитативлари қабила ҳаёти ҳақидаги кўрсатилмаётган вазиятларни мазмунан тушунтиришга қаратилган махсус нутқ парчаларининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур жараёнда ибтидоий шеър синкретик, яъни қоришган санъат таркибида ўз шеър тузилишини сайқаллаб боради. Прими́тив шеър шакллари пайдо бўлиб, улар қонуниятга

айланиш сари ривожлана бошлайди. Бу давр шеър тизимининг шаклланиш босқичида муҳим ўрин тутади ва белгиланган тамойил асосидаги шеър шакллариининг вужудга келишида ибтидоий босқич ҳисобланади. Бу давр санъат турларининг мустақил ажралиб, алоҳида турдаги санъат йўналишларига бўлиниши, уларнинг шаклланишигача давом этади. Маълум шеър тузилишлари, масалан, аруз ва бармоқнинг ўзаро аралаш ва қоришиқ даврини шеършуносликда шеър тузилишининг “фольклор типи” деб аталади.

3) *Алоҳида санъат тури сифатидаги мустақил ажралиш даври* – мазкур давр ёзувнинг пайдо бўлиши, бунинг натижасида шеър, яъни поэзия турининг мусиқа ва рақс санъатлари таркибидан ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Ёзувнинг пайдо бўлиши шеърнинг ҳарфлар ёрдамида сақланиши (фиксация) ва ифодаланиши учун имкон берди. Ана шундай энг қадимги ёзувда сақланган шеър ёдгорликларини қабртошлар ёдномаларида кўриш мумкин. Бу даврнинг белгиларидан бири шеърларнинг махсус равишда, мақсадли тарзда ёзилиши ва ёзувда қайд этилиши билан боғлиқ. Ёзувнинг шеър тизимини шакллантиришдаги ижобий таъсири шеърни қайд этиш учун имкон яратилганлиги билан белгиланади. Ёзув келиб чиққанидан сўнг унинг воситасида шеър тизимини ҳам қайд этиш имконияти вужудга келади. “Поэзия прозадан ажралиб чиқиб, ўз тақдирини белгилаши лозим эди: ўз асосини ритмда деб билиб, ана шу ритмнинг характерини, яъни шеър тизимини белгилиб олиши лозим эди” [3: 21]. Шеър тузилиши тарихий ҳодиса бўлиб, табиийки унинг ривожи ҳар бир миллий адабиёт ривожининг у ёки бу жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Бироқ шеър тузилишининг тарихийлиги фақат мана шундай ҳолат ва вазиятлар билан белгиланмайди. Шеър тузилишининг ўзи бошидан тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичини ўтказди.

4) *Кенг қўлланилиш натижасидаги тўла шаклланиш даври* – табиийки, шеър тузилиши ўзининг ривожланиш босқичларида, бирон бир ривожланиш босқичида, ўзида шаклланган қонуниятлар тизимининг муайян тартибини ишлаб чиқади. Бу жараён, бир томондан, стихияли тарзда минглаб шоирлар ижодий тажрибаси орқали ўзини мукамаллик ва тугалланганлик сари олдинга силжитса, бошқа тарафдан, ана шу стихияли қонуният бир неча бор анланган, ва яна қайта анланган ҳолларда, қайталанган қонуният даражасига кўтарилади. Шеър тизими нормаларининг яратилиши ва анланлиши, шоирлар ижодида махсус қайталаниши, шоирлар ижоди учун қонуният ва схемалар даражасига кўтарилиши мана шу босқичнинг сўнгги марраси

ҳисобланади. Бу даврда шоирлар учун шеър тузилиши қонуниятлари шеър ёзишнинг асосий қонидасига айлана бошлайди. Хитой, ҳинд ва араб маданияти тарихида “шеър” тушунчасининг шаклланиши анчайин аввалроқ кечган. Хитой ва ҳиндларда замонавий “шеър” тушунчасига монанд бўлган сўзлар эра-миздан аввал юзага келган. Арабларда эса исломгача бўлган жоҳилия даври адабиётида аниқ анланган “шеър” тушунчаси ҳамда ана шу тушунча анланган аниқ белгилар мажмуаси бўлган. Хитой адабиётида шеърга эквивалент тушунча “ши” сўзига муқобил келади. Қадимги хитой адабиётининг архаик даврига тегишли бўлган илк шеърый асар “Шицзин” эра-миздан аввалги XII асрда яратилиб, сўнг эра-миздан аввалги II асрда қайта таҳрир орқали бизнинг давримизгача унинг парчалари етиб келган. “Шицзин” қофия, строфа ва мисраларга бўлинган бадий сўз санъатининг илк намуналаридандир. “Ши” куйлаб ижро этилган, аммо “ши” яхлит қўшиқ маъносини бермаган. “Ши” тушунчасида куйлаш учун ёзилган шеър деган мазмун мавжуд бўлган. Ҳиндларда эса “кавья” – поэзия сўзи шеър тушунчасига тўғри келади. “Шеър” деган тушунчанинг тилга кириб келиб, ўз семантик мазмунига эга бўлиши, энг аввало, шеър техникаси, ёки шеър тизими тушунчаси билан боғлиқ ҳодиса эди.

5) *Тўла шаклланиш босқичини илмий идрок этиши ва шеър тузилиши назариясининг келиб чиқиши* – шеър тузилишининг тўла шакланганлик босқичи кейинги даврнинг юзага келишини талаб этади. Бу даврда шеър ёзиш қонун-қоидалари тўғрисидаги рисолалар яратила бошланади. Бу давр шеър тузилиши ва шеър ижод қилиш нормалари ҳақидаги илк назарияларнинг яратилиши билан белгиланади. Мазкур давр илмига хос бўлган специфик хусусиятлар схоластиклик, қатъий нормалар, формализм ва ақидапарастликдан иборатдир. Аммо шунга қарамай, бу давр шеърнинг прозадан батамом ажралиб, янги поэтик шаклларнинг ривожланиши учун имкон яратди. М.А.Гаспаров: “Биз рус шеъри тарихий баёнини XVII асрдан бошлаймиз. Албатта, бу нарса мазкур асргача русларда шеър бўлмаган эканда, деган фикрни англамайди. Улар бўлган, аммо улар мустақил ҳолдаги “шеър” тушунчаси даражасига кўтарилмаган эди. Бизнинг тасаввуримиздаги “назм-наsr” қарама-қаршилиги қадимги руслар учун англашилари эмас эди”, дейди [3: 19]. Русларда айнан шу асрда “вирши” – “шеър”, шу давргача номаълум бўлган янги сўз поляк тили орқали лотин тилидан кириб келади. Шу боис, “шеър” тушунчасининг тил ривожига индидуаллашуви шеър тизимини тўла шаклланиб етилганлиги оқибати ҳисобланади.

6) *Шеър тузилишининг тарихий ва замонавий ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиши* – бу давр шеър тузилишини илмий идрок этишдаги сўнгги икки юз йил ичида шакланган назарий тафаккур маҳсули ҳисобланади. Бу анчайин мураккаб ва серқирра тарихий босқич бўлиб, унда шеър моҳиятини ўрганишдаги қўйилган муаммолар ва уларнинг ечими масалаларида кескин ўзгаришлар қилинди ва бу жараён то шу бугун давом этмоқда. Шеършунослик методологияси тамоман янгитдан қурилди, шеършунослик ўз таркибига адабий матнни тадқиқ этишнинг барча замонавий янги усуллари ва услубларини қамраб олди. Адабий ва шеърый матнни структурал, математик ўрганиш, шеър тузилишига асос бўлган сўз моҳиятининг лингвистик, стилистик, фонетик, эмотив, лингвопоэтик ва экспрессив асосларини белгилаш, ана шу илмий таҳлил жараёнларига янги техник текшириш имкониятларини жалб қилиш шеършунослик ривожига кескин ўзгаришлар қилиш имкониятини яратди. Агар бундан 30-40 йил аввал шеър тизимини унинг товуш қурилиши нуқтаи назаридан экспериментал ўрганиш янги методлардан бўлса, ҳозир шеър тизимини компьютер технологиялари асосида ўрганиш методлари махсус дастурлар асосида ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, умуман олганда XX асрнинг сўнгги чорагида дунё миқёсида шеършуносликнинг мавзулар қамрови ва илмий муаммоларнинг ишланилиши билан боғлиқ бўлган ўзига хос тадрижий ривожланиш босқичи юзага келди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, шеършунослик адабиёт ҳақидаги илмларнинг таркибий қисми сифатида тўла шаклланди, шеър структурасини ўрганиш бўйича ўзига хос методология ишланди, шеър моҳиятини англаш ва тушунтириш бўйича бир қатор назарий тадқиқотлар ниҳоясига етказилди. Мазкур жараёнларда турли халқлар шеър тизимини назарий ва тарихий, шунингдек компаратив ва норматив ўрганишнинг аҳамияти юқори бўлиб, миллий адабиётларнинг шеър тузилишини ўрганиш бугун ҳам илдам ривожланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асафьев В.В. Музыкальная форма как процесс. - Л., 1971.
2. Виноградов В. Индийская сага. - М., 1976.
3. Гаспаров М.А. Очерк истории русского стиха. Метрика. Ритмика. Рифма. Строфика. - М.: Наука, 1984.-С. 21; - С. 19.
4. Дева Чантанья Б. Индийская музыка. -М., 1980.

5. Еолян И. Очерки арабской музыки. – М, 1977.
6. Золхоев В. И. Средства ритмической организации бурято-монгольского стиха. - Л.,1957. - 178 б.
7. Навоий Алишер. Мезон ул-авзон // МАТ, 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.42-98; Музыкальная эстетика стран Востока. - М., 1967.
8. Музыка народов Азии и Африки. - М., 1984.
9. Музыкальные традиции стран Азии и Африки. - М., 1986.
10. Наваикинский Е.В. Звуковой мир музыки. - М., 1988.
11. Нурагунова Г.М. Типологии системы стихосложения в тюркской поэзии. // Успехи современного естествознания. – 2015. -№ 1-7. – С. 1239-1242.
12. Рысалиев К. Киргизское стихосложение. Автореф. дис.канд.фил.наук.-Ф.,1965.-136с.
13. Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих.- Алматы, 2005.-285с.
14. Усманов Х. Древние истоки тюркского стиха.- Казань, 1984. - С. 2-4 (-149с.)
15. Хамгашалов А.М. Опыт исследования бурят-монгольского стихосложения. -Улан-Удэ, 1940.-114с.
16. Харлап М.Г. Ритм и метр в музыкальной устной традиции. - М., 1986.
17. Холопов Ю.Н. Гармония. Теоритический курс. - М., 1988.
18. Холопова В.Н. Музыкальный ритм. - М., 1980.
19. Шахназарова Н.Г. Музыка Востока и Запада. Типы музыкального профессионализма. - М., 1983.
20. Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” аса-ри. - Т.: 1981. – 96 б.

Gulxumor TO'UCHIYEVA,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Мумтоз шарқ филологияси факультети декани,
филология фанлари номзоди*

